

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
“ИННОВАЦИОН ИЛМ-ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ”  
ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**БУХОРО-2015**

**“Тасдиқлайман”**

**Бухоро давлат университети**

**ректори А.А. Тулаганов**

\_\_\_\_\_

**“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2015 йил**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ “ИННОВАЦИОН ИЛМ-  
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ”**

**ТЎҒРИСИДАГИ**

**НИЗОМ**

# БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ УЎУВ ИЛМИЙ КОМПЛЕКС ҚОШИДА “ИННОВАЦИОН ИЛМ-ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ” ТЎҒРИСИДАГИ

## НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1.1. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**” университетдаги ўқув илмий комплекс хузуридаги бўлим бўлиб, у фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини таъминлаш, илмий-тадқиқот натижаларини иқтисодийга кенг тадбиқ қилиш, талабалар назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш каби устувор вазибаларни ҳал қилиш мақсадида ташкил этилади.

#### 1.2. Марказнинг номланиши:

- ўзбек тилида – Инновацион илм-таълим технологиялари маркази (ИИТТМ);

- рус тилида – Центр научно-учебной инновационной технологии (ЦНУИТ);

- инглиз тилида – Research Development and Innovation Centre (REDIC).

1.2. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**” ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг илмий-тадқиқот ҳамда илмий-тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга тадбиқига доир фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу соҳага оид қарор ва фармойишлари, Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, кўрсатмалари, университет Кенгаши қарорлари, университет ректорининг буйруқлари, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

1.3. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази ва Илмий парк**” фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида университетда эришилган илмий изланишлар натижаларининг бевосита ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши, кадрлар тайёрлаш, ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланиш ва апробация қилиш, ўқитувчилар ва илмий ходимлар малакасини оширишни ташкил этиш мақсадида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун хизмат қилади.

1.4. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази ва Илмий парк**” университет раҳбарияти ихтиёрига кўра:

- ўз-ўзини молиялаштириш ва мустақил хўжалик сифатида юридик статусга эга бўлишга, ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва

мажбуриятлардан фойдаланишга, алоҳида мулкга ва балансга, банк ташкилотларида ўз рақамларига, ўз номи, муҳри, штамп, бланклари ва бошқа реквизитларга эга бўлишга.

- юридик шахс статусига эга бўлмасдан туриб фаолият юритишга, бошқа хўжалик субъект атрибутларини сақлаган ҳолда университет ҳисоб рақамлари ҳамда гербли муҳридан фойдаланишга ҳақлидир.

## **II. “Инновацион илм-таълим технологиялари маркази”нинг**

### **вазифа ва функциялари**

2.1. Республикамиз учун истиқболли бўлган фан-техника йўналишларида изланишлар олиб бориш, хусусан, альтернатив энергия манбаларини излаш, Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида улардан самарали фойдаланиш, биотехнологиялардан (биогаз, юксак сув ўсимликлари ёрдамида оқова сувларни тозалаш, тўйимли биомасса ишлаб чиқариш ва улардан деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишда самарали фойдаланиш йўллари излаш,..) самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, ҳудуд учун истиқболли ҳисобланган балиқчиликни ривожлантиришни илмий асосда ташкил қилиш, композицион материаллар кимёси ва технологияси соҳасидаги изланишларни олиб бориш ҳамда ютуқларини иқтисодиётда кенг қўллаш, чўл экосистемаси ҳамда унинг мувозанати соҳасида изланишлар олиб бориш, тупроқ унумдорлигини ошириш каби муаммоларни ҳал қилиш, бу соҳалардаги жаҳон ютуқлари ва тажрибасини доимий ўрганиб бориш ва бошқа янги соҳаларни ўзлаштириш ҳамда шу соҳаларда ҳам илмий изланишларни йўлга қўйиш.

2.2. Фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

Устувор йўналишлар бўйича университет учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш.

2.3. Фан ва технологияларнинг янги бўлимлари бўйича янги ўқитиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш учун зарурий ўқув-услубий материалларни тайёрлаш.

2.4. Илмий-услубий, қўшимча таълим хизмати ва маслаҳат фаолияти, соҳа йўналишлари учун мутахассисларни тайёрлаш бозорини ташкил қилиш,

семинарлар ўтказиш, ўқув-услубий қўлланмалар ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш.

2.5. Илмий профессионал мактабларни сақлаш ва ривожлантириш, ёшларни аждодлар эришган муваффақиятлар асосида ватанпарварлик туйғусида тарбиялаш борасида илмий ишларни иқтидорли талабалар билан ҳамкорликда олиб бориш жараёнида профессор-ўқитувчилар ва ишлаб чиқарувчилар таркибини фаоллаштириш, бўлажак мутахассис ва олимда юқори ахлоқий сифатларни шакллантириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар захирасини шакллантириш ва тайёрлаш.

2.6. Истеъмолчилар талаблари асосида шартномалар бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини–янги технологиялар, соҳа учун энг муҳим ишланмалар, тавсиялар ва экспериментал тадқиқотларни ўтказишни ташкил қилиш.

2.7. **“Инновацион илм-таълим технологиялари маркази”** талабаларнинг маъруза, амалий ва лаборатория дарсларини ташкил қилиш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш, мавжуд муаммолар бўйича малакавий битирув ишлари ҳамда магистрлик диссертацияси ишларини бажаришни йўлга қўйиш.

2.8. Университетда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўرғазмалари, сотув кўрғазмалари, аукционлар, ярмаркалар, улгуржи-тижорат тадбирларини ташкил қилиш ва уларда қатнашиш.

2.9. Илм ва таълимга оид халқаро тадбирлар ташкил қилиш ва ўтказиш.

2.10. Маҳсулот, хом ашё, молия ва фонд бозорлари, кўчмас мулк бозорини маркетинг текширишни ташкил этиш ва ўтказиш, хом ашё, материаллар, маҳсулотлар кўчмас мулк, хизматлар, фондлар, қимматли қоғозлар нархларининг конъюктурасини ўрганиш.

2.11. **“Инновацион илм-таълим технологиялари маркази”**нинг моддий-техник базасини такомиллаштириш.

2.12. Университетда васийлик ва ҳомийлик ёрдамларини ташкил қилиш.

2.13. Таълим хизматларини кўрсатиш бозорини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш.

2.14. Узлуксиз таълим тизимида университет қошида қўшимча профессионал ҳамда буюртма асосида таълим беришни ташкил қилиш.

2.15. **“Инновацион илм-таълим технологиялари маркази”** ишини сифатли ташкил этиш мақсадида унинг фаолиятини қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асосида юритиш тавсия этилади:

- **“Инновацион илм-таълим технологиялари маркази”** Низоми;
- **“Инновацион илм-таълим технологиялари маркази”** тузилмаси ва иш режаси;

- Ҳисоботлар;
- “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**”га тегишли университет ректорининг буйруқлари;
- Шартномалар, илмий анжуманлар, семинарлар, конференциялар ўтказилишига оид ҳужжатлар;
- Хат ва аризаларни қайд этиш китоби.

### **III. “Инновацион илм-таълим технологиялари маркази”нинг ҳуқуқлари**

3.1. Далват илмий-тадқиқот, конструкторлик, технологик ва лойиҳавий буюртмаларини бажариш танловида қатнашиш.

3.2. Ҳудуд ва тармоқ илмий-техник дастурлари ҳамда режалари топшириқларини бажаришда, шу жумладан танловларда иштирок этиш.

3.3. Илмий ва илмий-техник ишларни бажариш ва илмий-техник ишланмалар экспертизасини ўтказишда шартномалар тузиш.

3.4. Яқунланган хусусий ишларни шартнома баҳосида тадбиқ этиш.

3.5. “Илмий парк”да бажарилган илмий-техник ишланмаларда авторлик ҳуқуқига амал қилиш, яратилган маҳсулотдан фойдаланишда муаллифлик назоратини амалга ошириш.

3.6. Ўрнатилган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

3.7. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**”нинг конуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш.

3.8. Университет Кенгашига ва раҳбариятига таклифлар билан чиқиш.

3.9. Ўз фаолияти ҳақида ахборот тарқатиш.

3.10. Жисмоний ва юридик шахслар билан алоқа ўрнатиш, шартномалар тузиш.

3.11. Ўз фаолиятига дахлдор масалалар бўйича мажлислар, конференциялар ўтказиш.

3.12. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**”нинг ўз фаолияти даврида соҳага тегишли ташкилотлар, корхоналар, чет эл олий ўқув юртлари ва корхоналари ҳамда жамғармалари билан ҳамкорлик қилиш.

### **IV. “Инновацион илм-таълим технологиялари маркази”ни бошқариш, тузилмаси, штатлари ва молиялаштириш манбалари**

4.1. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**”га раҳбарлик Илмий ишлар бўйича проректор ва марказ директори кимё фанлари доктори Г.А.Ихтиярова томонидан амалга оширилади.

4.2. Илмий ишлар бўйича проректор ўз ваколати доирасида ишларнинг натижалари учун тўлиқ жавоб беради, барча ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

4.3. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**” директори ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳужжатларни юритади ҳамда ҳисоботларни, иш режаларни ва бошқа ахборотларни университет Илмий ишлар бўйича проректорга тақдим этади.

4.4. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**”нинг бошқарув ва хизмат кўрсатиш ходимлари сони “Илмий парк” олдида турган валифаларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда фаолият туридан келиб чиқиб, белгиланган тартибда шакллантирилади ва университет ректори томонидан тасдиқланади.

4.5. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**” ўз фаолиятини олиб боришда университет мулкидан фойдаланиши мумкин.

4.6. “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**” қуйидаги манбалар асосида молиялаштирилади:

- Хўжалик шартномаси ва пуллик хизматлар кўрсатиш ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тушумлар.
- давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажариладиган бюджетдан молиялаштириладиган илмий-техник лойиҳалар.
- жисмоний, юридик, шу жумладан, хорижий шахсларнинг ихтиёрий мулкӣ бадаллари ва ҳомийлик маблағлари.
- турли хил мақсадли дастурларни ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шу жумладан, хорижий ва халқаро ташкилотлардан тушадиган мақсадли маблағлар, грантлар.

## **V. “Инновацион илм-таълим технологиялари маркази”нинг фаолияти тугатилиш тартиби**

5.1 “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**”ни қайтадан ташкил қилиш (реорганизация) ўрнатилган тартибда университет ректори томонидан амалга оширилади.

5.2 “**Инновацион илм-таълим технологиялари маркази**” фаолиятини тўхтатиш ва бекор қилиш фақат университет Кенгашининг қарорига мувофиқ амалга оширилади ва у муассаса Низомига асосан тартибга солинади.